

ВИЛОЯТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ БАЖАРДИЛАР.

ДЕҲҚОН ҲАМИША ИШОНЧНИ ОКЛАЙДИ

ВИЛОЯТИМИЗ пахтакорлари катта ютуққа эришдилар: давлат қабул пунктларига 353 минг тонна Тошкент пахтаси топширилиб, бу борадаги йиллик режа ортиғи билан адо этилди. Шу муносабат билан пахта мавсумининг қандай ўтгани, деҳқонларимизни қандай хайри янгиликлар кутайтгани ҳақида нималар дейиш мумкин? Аввало, пахта йиғим-теримининг бориши ҳақида ортиқча тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам билишадик, бу йилги пахта бўлмаган деб бемалол айтишнинг мумкин. Мавсум давомида виллоятимиз пахтазорларида 2719 та машина ишлади. Уларнинг ҳар бири ўртача 107 тоннадан ҳосилни йиғиштириб олди. Бу — 290 минг тонна пахта демакдир. Яъни, умумий ҳосилнинг 83 фоизи пахта терим машиналари билан йиғиштирилиб олинди. Лекин шу билан, режамиз бажарилди, пахта масуми тугади, деб ҳам бўлмайди.

Кўпчилик хўжаликларда иш олдидек қизғин борибди. Илгари бўлганидек, режани бажардик, энди бошқас билан ишимиз йўқ, деган гапни эшитмайдик. Биринчидан, пахтани териб олиш учун яхши ҳал белгилангани бунинг бир сабаби бўлса, иккинчи босиш, кўпчилигининг хабари бориб йўқми, бу йил режадан ошмишча терилган пахтани валютага сотишдан келадиган фойданинг 70 фоизи хўжаликларнинг ўзига қоладиган бўлди. Қолган 30 фоиз қайда кетади, деган табиий савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб берадиган бўлсак, унинг 10 фоизи жумҳурият Вазирлар Кенгашига ўтади, 20 фоиз эса турли ҳаражатлар учун сарф бўлади. Бу жуда катта ютуқ. Таъсирли қилиш мумкин, шундан кейин қишлоқларимиздаги аҳолини яхши томонга ўзгариштиришнинг қанчалик имкониятлари пайдо бўлишини. Агар хўжалик раҳбарлари ишбилармон, тадбиркор бўлишса, қишлоқдаги деҳқон шубҳасиз, шаҳарликлардан кўра яхшироқ яшайдиган бўлади. Лекин қўлга пул тушгани масаланинг бир томони ҳолос. Ҳали уни нимага ишлатишни ҳам билиш керак. Менимча, мана шу масалага бирмунча жиддий ёндашиш зарур бўлади. Шубҳасиз, валютага истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Лекин ҳозир деҳқонларимиз учун чет эл машиналари, видеомагнитофонлардан кўра озиқ-овқат, болалар кийими, техника, технология, хуллас, пул қиладиган нарсаси кўпроқ зарурдир. Масалан, ўша видеомагнитофони олайлик. Уни сотиб олгандан кўра видеомагнитофони ўзинида чиқарадиган технологияни олиш дуруст эмасми. Бунда ҳам буюмлар, ҳам пул бўлади. Хуллас, бу мавзуда тапирадиган гап кўп. Ўйлаймики, деҳқонларимизнинг ўзлари бу ҳусусда аниқ бир қарорга келишадилар.

Энди яна бошқа масала ҳақида тапирадиган бўлсак, кўптар дизишти мумкин. Ҳар йили Тошкент виллоятининг пахта деҳқончилиги бошида бўларди, бу йил бунинг акси бўлди, деб.

ҲАЛИ айтганимиздек, бу йил пахтачилликда етиштирилган ҳосилни сотиш билан боғлиқ бўлган бир қанча ўзгаришлар бўлди. Келаси йилдан уларнинг сони яна кўпаяди. Шундай бир назаримизда мўҳим бўлган нарсаси — пахтага бўлган давлат буюртмасининг миқдори ҳақида тапирадиган бўлсак, келаси йилдан унинг ҳажми 40 фоиздан ошмайди. Бу демак, 60 фоиз пахта хўжаликларнинг ўзига қолайпти деганидир. Энди ҳисоблаб кўрайлик, жумҳуриятимиз 4 миллион 740 минг тонна пахта беради. Тола миқдорини ҳисоблайдиган бўлсак, ундан 1,5 миллион тонна тола чиқади. Шу тола 60 фоиз, яъни 900 минг тонна жумҳуриятга қолайпти. Бу ҳам жуда катта ютуқдир. Бу рақамлар ортда нималар ётибди? Аввало, пахтакорнинг ҳам кўни туғадиган пайтлар келиб қолди. Энди у аввалгидек йил бўйи ишлаб меҳнати учун арзизмаган эмас, айнан эришган ҳақни оладиган бўлади. Бунинг натижасида унинг турмуш шартлари яхшиланади. Деҳқон тўқ бўлдики, демак, эл ҳам тўқдир. Аммо бу нарсаси, яъни меҳнатимиз натижасининг ўзинида тегишли бўлиши масъулиятимизни яна ҳам оширади, чунки янги шартларга ўтиб ишларганимиз, кўп нарсаси меҳнатимизнинг провадор натижасига боғлиқ бўлиб қолайпти. Лекин ишонамизки, кўп марта бўлганидек, ўзбек деҳқони ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги билан унга билдиргани ишончини оклайди. Бугун эса яна бир марта виллоятимиз пахтакорларини улкан меҳнат зафарлари билан қутлаймиз!

М. РАСУЛОВ,

виллоят деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси.



ЯНГИЙЎЛ ноҳиясидаги Х. Турсунқулов номли жамоа хўжалигида бу йил қўл теримини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Меҳанизаторларга, теримчиларга иш ҳақи ўз вақтида тарқатилди. Бу иш унвонининг юқори бўлишида мўҳим ойна бўлди. Суратда: Олимжон Комилов бошлиқ бригада ҳисобчис Н. Нурматов илгор кўпингкилограммчилар Назира Ғоиева ва Илтифас Эшмонова билан кунлик натижани таҳлил қилмоқда. А. ЗУҒАРОВ сурати.



СИЗ суратда кўриб турган бу механик-ҳайдовчи Пискент ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалигида меҳнат қилади. Абдурашид Ғофуров мавсум бошидан буён меҳанизаторлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлигини қўлдан бермади. У хўжалик хирмонига ўзининг 100 тоннадан ортиқ пахтаси билан катта ҳисса қўшди. Суратчи А. ИКРОМОВ.

МАШИНА КУЧИ

ДАЛАДА пахта экиб, уни йиғиб-териб олишда иштирок этаётганимизга аниқ йил бўлди. Шунинг учун деҳқончиликда меҳанизациянинг кучини, имкониятларини яхши билишам.

Бу йилги мавсум жумҳуриятимиз мисолида ҳам, виллоятимиз мисолида ҳам, бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам бунинг асосида қўлдан бўлибди. Кўпчилик меҳнатчилар деҳқонликда меҳнат қилганда, пахта теримини яхшироқ қилишга алоҳида эътибор берган. Меҳанизаторларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ўзининг таъсиридан кўрсатди. Бунинг биринчи натижасида меҳнат қилувчи хўжалик мисолида ҳам кўриш мумкин. Аслида жамоа хўжалигимизда илгари йилларда ҳам меҳанизаторлар билан меҳнат қилувчи хўжалик мисолида ҳам кўриш мумкин. Давлатга сотилган 3450 тонна пахтанинг 98 фоизи меҳанизаторлар билан терилди. Қарағанди, Бор йўли икки фоиз ҳосил қўлда териб олинди. П. Аҳмадов, А. Махматов, Д. Носиров сингари ҳамкасбларимиз мавсумда 180—200 тоннадан пахта тўқиб, хирмонига баракка киртидлар.

Жамоа хўжалигимиз маъмурияти меҳанизаторларнинг унвонли ишлари, яхши дам олиш учун барча имкониятларини яратиб берди. Айниқса, техника билан соғалашда, айрим ремонт ишларини деҳқонлар ўзиде амалга оширишга алоҳида ёндашди. Кўчма устоналар тўхтовсиз бригадаларини айланиб, зарур ердан бериб турди. Қарабсанчи, хўжалигимиз бўйича ҳар бир машинанинг иш унвони 140 тоннадан ошиб кетди.

Мен бу билан агар машиналарнинг кучига таянган, меҳанизаторга тўланаётган ҳақни янада оширсак, келгусида бундай ҳам юқори натижаларга эришганимиз мумкин экан, дедимки, бугун — виллоятимиз деҳқонлари пахта тайёрлаш режасини бажарган кунда жамоа хўжалигимиз аъзолари, меҳанизаторларимиз ўзларининг ҳиссалари борлигини ҳақли равишда фخرланишмоқдалар.

И. ИМОМОВ,

Ғалаба ноҳиясидаги «Заря коммунизма» жамоа хўжалиги меҳанизатори.

М. ТҒИЗБОВ,

Ленин номли жамоа хўжалигининг бригадаси бошлиғи.



ВОТИНЦЕВ номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳам ноҳияда биринчи бўлиб йиллик маррага етиб келдилар. Режа 12 иш кунда бажарилди. Давлатга топширилган 4 минг тоннадан ортиқ пахтанинг 85 фоизи машиналарда териб олинди. Аҳад Мусабоев бошлиқ қилаётган жамоа эса ҳозиргача гектаридан 35 центнердан пахта йиғиштириб олиб мусобақада карвонбошлик қилмоқда. Суратда: (чапдан) илгор меҳанизатор Йўлдош Носиров, бригада бошлиғи Аҳад Мусабоев ва меҳанизатор Йўлдош Аҳмедовни кўриб турибсан.



ИЖАРА ИМКОНИЯТЛАРИ

СЎНГИЙ йилларда хўжалигимизда меҳнатини ташкил этишни янги усуллари жадал оммалашиб борапти. Энг мўҳими деҳқонларимиз бу илгор усулларини ўзларига қўлайларини танлаб олишмоқда. Мен меҳнат қилаётган Умнат Алиев бошлиқ қилаётган бригадани ҳам мана икки йилдирки, ижара пулрати ривожланиб кетди.

Биз 1990 йил бошида 7,7 гектар майдонни оиламиз билан ижарага олдик. Чигитни ўзимиз эдик, парвартишни маромида ўтказдик. Зарур бўлганда мутахассислар билан маслаҳатлашдик. Қолган несларда эса мустақил иш юритдик. Натижа чакки бўлмади. Давлатга пахта сотиш режасини уч иш кунда адо этдик. Гектаридан 26 центнердан жами 20 тонна хом ашё йиғиштириб олдик.

Албатта, гап режани бажаришда эмас. Аксинча, деҳқонларимиз етиштирилган маҳсулотдан келадиган фойдани, даромаднинг ҳисоб-китоб қилиб иш юритмоқдалар. Илгаришдан нонимга, кўр-кўрона ишлашга барҳам бердик. Биз ҳам оиламиз билан режани бажаргани кўнмиш ҳисоблаб чиқдик. Режа бўйича ҳар гектар ердан 1903 сўм даромад олиш белгиланган эди. Экинчидан тортиб парвартиш даврида ва йиғим-терим мавсумида харажатларини қамайтириш, пахта таннарини арзонлаштириш ҳисобига даромад 2267

сўмга тўғри келди. Даламиздаги ҳосил чўғини қайта ҳисоблаб, яна 10 тонна пахта сотишга аҳд қилдик. Шундай қилиб, бир гектар ердан ўртача 3400 сўм даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз. Умуман, йил охиригача жами 24 минг сўмлик маҳсулот сотамиз.

Амалда ижара имкониятлари жуда катта эканлигини тажриба кўрсатиб турипти. Жамоамизнинг Мервет Қосимова, Жумабой Тўқмонов, Латофат Тўлаева, Атрғул Омонова сингари аъзолари ҳам ўз оилалари билан ижарага ер олиб, пахта экиб, ажойиб натижаларга эришди.


Умуман хўжалигимиз бўйича бугунги кунда йиллик режа 117 фоизга бажариб қўйилди.

Ишни оқилона ташкил этиш, пахтакорнинг меҳнатига яраша моддий манфаатдор қилиш, унинг эмин-эркин, мустақил ишлашга имконият яратиш тармоқини ривожлантиришда, айниқса, ҳосил сиратининг яхшилашда жуда катта имконият экан. Ягона истагим бундан бўён бизга берилаётган ана шундай имкониятлар янада кенгайса. Бунинг раҳбарлар ҳам тўғри тушуниб, иш юритишга келгусидаги натижаларимиз янада баракали бўлади.

О. ҒОЗИЛОВА,

Бўқа ноҳиясидаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги ижарачиси.

БЕКОБОД ноҳиясидаги Ойбек номли шўро хўжалиги меҳанизаторлари бу йил ҳақиқатан ҳам жасорат кўрсатиб меҳнат қилишди. Хўжаликда барча терим агрегатлари мавсум бошидан тўла куват билан ишлатилди. Терим аниқ қизган кезларда уларнинг иш унвони 8—9 тоннага етди. Ушбу сурат хўжалик далаларида машина терим давом этаётган пайтда тасвирга тушрилган. Суратчи А. МАЛЫЦЕВ.



БУГУНГИ муваффақиятда тайёрловчиларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Улар хўжаликлардан олиб келинган пахтапарни ўз вақтида, тўхтовсиз қабул қилиб олдлар. Хом ашё пешма-пеш бунтланиб турди. Айниқса, Бўқа ноҳиясидаги Ҳамза номли пахта тайёрлаш пункти ишчи-хизматчиларидан пахтакорлар миннатдор бўлишмоқда. Ушбу сурат ана шу ердан олинган. Суратчи А. МАЛЫЦЕВ.

Манамнинг қардодон кетмонимни кўтариб кўриш: беш килоча келади, бошқа енгилроғини берайлик дейишди. Йўқ, дейман, бу кетмон иккимиз бир-биримизга ўрганишимиз. Эй, ўлим, меҳнат бўлганидан кейин кийинчиллиги ҳам бўлади-да. Болача-ризики—бу, деймиш. Менга, масалан, енгил йўқ билан топилган роҳат тўғри келмайди.

Асрорхон ота трактор эзиб кетган бир гўзани кўллага олди экан, бевақт қўз қилган одамга эш тўтгандай астойдил аччиди.

— Ҳа, жонивор-а, не ҳасратда ўсаётган эдинг-а,— деди-да четта чиқарди.

Илҳомжон сувчиликка яқинда келган, армия хизматидан кейин. Бу кесбининг сир-асорини Асрорхон отадан териб олимоқчи. Шу сабабли уни яна саволга тутта бошлади.

— Расматини билиш керак деганимнинг маъноси,— деб гап бошлади ота қайфияти бузилганига қарамай хотиржам оҳангда,— адашмаслик, де

берган саволига пешонасини тириштириб бироз ўйланиб турди-да, дилдаги тилига кўниб шундай деди:

— Сувчилик, бу — керак бўлса кундуз, керак бўлса, кечас қилинадиган заҳматли меҳнат. Шунинг учун ҳам ҳозирги ёшлар кўпроқ меҳанизаторликка қизиқадилар. Баъзи ёш сувчи йиғилишнинг маоши бир сарф камроқ бўлиб қолдики, тамом, улар ўзини бошқа соҳага ўради. Қараёди: пахта зовутидигилар бизда ҳам жонини жабборга бериб ишлашмайди, яна қайта-этиб молига бир қол шепча кўтариб қайтади, э, менга нима, дейди, даладан бир кўсак узиб ўйга олиб кетолмасам, маошининг аҳоли мана менга доимо айтганим, менга оёқлик ҳам ёзган, ёз, лекин йиғиларга яхши ёз. Уларни қизиқтириш керак. Ахир ёшларга ҳам қийин, айниқса, уланган бўлса, ёш оила кўтисадан ҳали оёқча турмаган бўлади. Мақтанмиш эмаску, аммо шогирдларимнинг кўпи шу кесбини эплаб кетди. Жазирам ёз. Кеска

ИЛГОРЛИГИМИЗНИНГ СИРИ ЙЎҚ

БРИГАДАМИЗНИ бу йил Бекобод ноҳиясида энг илгор бўлган жамоалардан деб аташарди. Билмадим, балки ҳақиқатан ҳам шундайдир. Пахта экилган 76 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта терилди. Унинг 90 фоизидан ошмишча маҳсулотларда йиғиштирилиб олинди. Лекин, илгор бўлганимиз, биринчи бўлишимиз керак, деб ҳаракат қилганимиз йўқ. Ишловни вақтида қилиб, пайти келганида сувини бериб турдик. Бир сўз билан айтганда — ишладик. Бугун, бир томондан ҳаво яхши бўлиб берди, бошқа тарафдан — пахтага тўланадиган ҳақнинг қўпайишидан ҳосилнинг баракаси ишнинг унвонини оширди. Пахтанинг яхши бўлигани ҳам шундан.

Яна бошқа тарафи, машиналарни ишлаш таъминоти ҳам гап кўп экан. Бунинг таъминоти, ўғирининг ҳолати ҳам йўқ эди-ку, лекин бори ҳам шу-да. Агар бригадамиз мисолида олиб кўрадиган бўлсак ҳам, ҳали айтганимдек, 90 фоиздан кўп пахта машиналар билан териб олинди. Меҳанизаторларимиз Абдуназар Усмонов, Турсунали Каримовлар машиналаридан 110 тоннадан ошмишча ҳосил тўқидилар.

Қўл терим ҳам ёмон бўлмади. Яхши меҳнат қилган теримчиларимизни айтганидан бўлсак, булар Роҳатой Қорабоева, Зайнаб Маманова, Улмоной Махмудова, Суқсур Суярова, Қўндўз Суяровалардир. Умуман олганда, бу йил ёмон ишлаган пахтакорнинг ўзи бўлмади ҳисоб. Бунинг бўлса, деҳқоннинг ҳам ўзи, ҳам жамоа учун меҳнат қилганидандир. Киши ўзи учун ишлаганда эса иш намдан-кам ёмон бўлади. Асосий айтмоқчи бўлган гапларим мана шунлар.

М. ТҒИЗБОВ,

Ленин номли жамоа хўжалигининг бригадаси бошлиғи.

СУВЧИ ИЛҲОМЖОН

